

**ТУРИСТИК – МЕҲМОНХОНА МАЖМУАЛАРИДА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ
МАҲСУЛОТЛАРИ (ТОВАРЛАР) ТАННАРХИ ҲИСОБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Неъмат Умарович Худайбердиев

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Бошқа тармоқларда
бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси доценти.

xudayberdiyev.n.u@gmail.com.

Аннотация:

Мақолада туристик-меҳмонхона мажмуаларида умумий овқатланиш маҳсулотлари (товарлар) таннархи ҳисобини такомиллаштириш тартиблари баён қилинган. Бунда туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи ҳўжалик юритувчи субъектларнинг овқатланиш маҳсулотлари (товарлар) таннархи ҳисобини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Калит сўзлар: туризм, меҳмонхона, харажатлар, товар, савдо, овқатланиш, даромад.

Аннотация:

В статье рассмотрены методики совершенствования калькулирования себестоимости продукции (товаров) общественного питания в туристско-гостиничных комплексах. Раскрыты особенности совершенствования калькулирования себестоимости продукции (товаров) общественного питания субъектов хозяйствования, оказывающих туристские и гостиничные услуги.

Ключевые слова: туризм, гостиница, расходы, товар, торговля, питание, доход.

Abstract:

This article examines methods for improving the costing of food service products (goods) in tourism and hotel complexes. It also explores the specifics of improving the costing of food service products (goods) in businesses providing tourism and hotel services.

Keywords: tourism, hotel, expenses, goods, trade, food, income.

Туристик–меҳмонхона мажмуалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар ичида муҳим ўринлардан бирини туристлар ва турист бўлмаган миқозларга умумий овқатланишни ташкил қилишга доир хизматлар эгаллайди.

Туристтик – меҳмонхона мажмуалари ўзлари ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотлар (овқатлар)ни ҳамда сотиб олинган товарларни турист ва турист бўлмаган миждозларга савдо ва умумий овқатланиш устамаларини қўйиб сотадилад. Туристларга умумий овқатланишни ташкил қилиш бўйича кўрсатилган хизматлар туризм фаолиятининг таннархига ва у орқали ушбу фаолиятдан олинган даромадлар таркибига киритилади ҳамда мос равишда туризмга доир солиқ тўловларининг объекти ҳисобланади. Чунончи, ҳаракатдаги солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ туристларга умумий овқатланишни ташкил қилишга доир кўрсатилган хизмат ҳақи туризм фаолиятдан олинган соф даромад таркибига киритилиб, мос равишда туристик-меҳмонхонанинг мақоми ва солиқ тўлаш режимига кўра умумий солиқларга ёки ягона солиққа тортилади. Турист бўлмаган миждозларга умумий овқатланишни ташкил қилиш бўйича кўрсатилган хизматлар савдо фаолиятига тенглаштирилади ва мос равишда солиқ қонунчилиги ҳужжатларига кўра ялпи даромад солиғига тортилади.

Юқорида изоҳи келтирилган тартибдан кўриниб турибдики, туристик-меҳмонхона мажмуаларида умумий овқатланишни ташкил қилиш бўйича кўрсатилган хизматлардан олинган даромадни туризм ва савдо фаолиятлари ўртасида тақсимлаш, шунингдек сотилган маҳсулотлар (товарлар)нинг таннархи ҳамда маҳсулотлар (товарлар)ни сотишдан олинган савдо ва умумий овқатланиш устамаларини тўғри ҳисоб-китоб қилиш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Изланишлар ушбу масалалар бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқишнинг объектив зарурияти борлигини кўрсатмоқда. Қуйида ушбу долзарб масала бўйича ўзимизнинг айрим фикр-мулоҳазаларимизни билдирамыз.

Туристтик-меҳмонхона мажмуаларига келиб тушган товарлар ва масаллиқлар, одатда, омборга сотиб олиш баҳоси (таннархи) устига савдо устамаси қўйилгандан кейин топилган баҳоларда кириш қилинади, яъни:

$$K\kappa = T + Cy$$

4-сон БҲМС «Товар – моддий захиралар»га мувофиқ товарларнинг сотиб олиш баҳолари (таннархи) бўйича қиймати қуйидагича топилади:

$$T = Cб + Cx$$

Бу ерда: *Kκ* – товарнинг кириш қиймати; *T* – товарнинг сотиб олиш (таннархи) бўйича қиймати; *Cб* – товарнинг сотиб олиш баҳосидаги қиймати; *Cx* – товарни сотиб олишга доир қўшимча харажатлар (ташиб келтириш, сертификатлаш, божхона тўловлари ва бошқа харажатлар); *Cy* – савдо устамаси.

Ушбу арифметик қурилмалар ёрдамида гувоҳлик берувчи бошланғич ҳужжатлар асосида топилган товарларнинг кириш қийматига бухгалтерияда қуйидаги ёзувлар берилиши лозим:

1. Товарларнинг сотиб олиш баҳоларидаги қийматига

Дебет 2910 «Омбордаги товарлар»

Кредит 6010 «Таъминотчиларга тўланадиган счётлар», 4230 «Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар»

2.Товарларни сотиб олишга доир қилинган қўшимча харажатларнинг товарлар қийматига киритилган суммасига

Дебет 2910 «Омбордаги товарлар»

Кредит 1520 «Товарларни тайёрлаш ва сотиб олишга доир харажатлар» ёки 6010 «Таъминотчиларга тўланадиган счётлар», 4230 «Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар»

3.Товарларни кирим қиймати устига қўйилган савдо устамаси суммасига

Дебет 2910 «Омбордаги товарлар»

Кредит 2980 «Савдо устамаси»

Товарлар (масаллиқлар) омбордан ошхона (буфет, бар, кафе ва бошқалар)га берилганда уларнинг кирим қиймати устига яна умумий овқатланиш устамалари туристик-меҳмонхона мажмуаси умумий овқатланиш бўлинмасининг категориясига қараб қўйилади ва у бухгалтерияда қуйидагича акс эттирилиши лозим:

Дебет 2920 «Чакана савдодаги товарлар»

Кредит 2910 «Омбордаги товарлар»

Кредит 2981 «Умумий овқатланиш устамаси»

Товарлар устига қўйилган савдо ва умумий овқатланиш устамалари суммалари туристик-меҳмонхона мажмуаларининг туристларга кўрсатган ялпи хизматларидан олинган даромадлар таркибида, шунингдек турист бўлмаган мижозларга кўрсатган савдо фаолиятидан олинган даромадлар таркибида ўз аксини топади. Шу сабабли умумий овқатланишни ташкил қилиш бўйича кўрсатилган хизматлардан олинган даромад суммасини, шунингдек сотилган товарлар таннархини ушбу фаолият турлари бўйича алоҳида аниқлаш ва ҳисобга олиш зарурияти туғилади.

Мисол учун, айтайлик туристик- меҳмонхона мажмуаси ҳисобот даврида қуйидаги кўрсаткичларга эга:

- ҳисобот ойида умумий овқатланиш хизмати жами - 14980800 сўм, шундан: туристларга - 10847800 сўм, турист бўлмаган бошқа мижозларга - 4133000 сўм;
- ҳисобот даврида кирим қилинган товарларга қўйилган умумий овқатланиш савдо устамаси - 7650000 сўм;
- ҳисобот ойи оҳирига товар(маҳсулот)лар қолдиги - 1280000 сўм;
- ҳисобот ойи бошига умумий овқатланиш савдо устамаси қолдиги 1380000 сўм;
- ой бошига товар(маҳсулот)ларни сотиб олишга доир қўшимча харажатларнинг қолдиги (1510-счётнинг дебет қолдиги) 452000 сўм.

Туристларга кўрсатилган умумий овқатланиш хизматлари туризм фаолиятига тааллуқли бўлганлиги сабабли, уларга кўрсатилган хизмат суммаси (10847800 сўм) туризм фаолиятдан олинган даромадларга киритилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 4010 «Харидорлардан олинган счётлар»

Кредит 9030 «Кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар»

Турист бўлмаган бошқа мижозларга кўрсатилган умумий овқатланиш хизматлари суммаси (4133000 сўм) савдо фаолиятига тегишли бўлганлиги учун савдо фаолияти даромадига олинади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 4010 «Харидорлардан олинган счётлар» ёки 5010 «Касса»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

Туристтик – меҳмонхона мажмуаларининг умумий овқатланиш бўлинмаларида ҳар бир сотилган овқатнинг (товарнинг) таннархини аниқлаб бўлмайди. Сотилган овқат (товар)нинг таннархини аниқлаш учун ой охирида сотилган ва қолдиқ товарларга тўғри келадиган савдо ва умумий овқатланиш устамаларининг ҳисоб-китоби тузилади. Ушбу ҳисоб-китоб асосида топилган сотилган товарларга тўғри келувчи савдо ва умумий овқатланиш устамаси суммаси соф тушумдан чегирилгач, қолган сумма сотиш таннархини беради.

Юқорида келтирилган маълумотлар бўйича сотилган ва қолдиқ товарларга тўғри келувчи савдо ва умумий овқатланиш устамалари қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади (1-жадвалга қаранг) ва улар қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

1. Туристларга кўратилган умумий овқатланиш хизматлари бўйича (6023783 сўм):

Дебет 2980 «Савдо устамаси», 2981 «Умумий овқатланиш устамаси»

Кредит 2020 «Умумий овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш»

2. Турист бўлмаган мижозларга умумий овқатланиш хизматлари бўйича (2295055 сўм):

Дебет 2980 «Савдо устамаси», 2981 «Умумий овқатланиш устамаси»

Кредит 9120 «Сотилган товарлар таннари»

Бир вақтнинг ўзида туристларга ва турист бўлмаган мижозларга сотилган овқат (товар)ларнинг сотиш баҳоларидаги қиймати мос равишда туристларга кўрсатилган хизматлар таннари ва сотилган товарлар таннархини ҳисобга олиб боришга мўлжалланган счётларга қуйидаги ёзувлар билан олиб борилади:

а) Туристларга кўратилган хизматлар суммасига (10847800 сўм)

Дебет 2020 «Умумий овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш»

Кредит 2920 «Чакана савдодаги товарлар»

б) Турист бўлмаган бошқа мижозларга сотилган овқат ва товарлар суммасига (4133000 сўм)

Дебет 2020 «Умумий овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш»

Кредит 2920 «Чакана савдодаги товарлар»

1-жадвал

**Сотилган ва қолдиқ товарларга тўғри келувчи савдо ва умумий овқатланиш
устамалари ҳисоб-китоби**

	Кўрсаткичлар	Сўм
1	Ой бошига умумий овқатланиш савдо устамаси (2980, 2981счётларнинг кредит қолдиғи)	1380000
2	Ой мабойнида сотиб олинган товарларга қўйилган умумий овқатланиш савдо устамаси	7650000
3	Жами (1+2)	9030000
4	Ой мабойнида сотилган товарлар жами (5+6)	14980800
5	Шундан туристларга	10847800
6	Турист бўлмаган бошқа мижозларга	4133000
7	Ой охирига товарларнинг қолдиғи	1280000
8	Жами товарлар суммаси (4+7)	16260800
9	Жами умумий овқатланиш савдо устамасининг жами товарларга ўртача ҳиссаси (3/8*100)	55,53 %
10	Сотилган товарларга тўғри келадиган умумий овқатланиш савдо устамаси (11+12)	8318838
11	Шундан туристларга (5*9)	6023783
12	Турист бўлмаган бошқа мижозларга (6*9)	2295055
13	Қолдиқ товарларга тўғри келадиган умумий овқатланиш савдо устамаси (3-10)	711162

Шундай қилиб, сотилган овқат ва товарларнинг таннархи юқорида келтирилган услубга кўра 2020 «Умумий овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш» счётининг дебет ва кредит оборотлари суммаларининг фарқи сифатида топилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Темирханова, М. Ж. Совершенствование планирования информационной технологии при введении учета затрат в туристических компаниях и организация правил в внесении в учет при расчете финансовых результатов / М. Ж. Темирханова // Научные исследования в социально-экономическом развитии общества : Международная научно-практическая конференция научно-педагогических работников, Саранск, 24–25 апреля 2019 года. – Саранск: АНО СНОЛД «Партнер», 2019. – С. 438-442. – EDN ZKOSMY.
2. Абдрасулова Ж. Бухгалтерский учет в туризме и гостиничном бизнесе. Учебно-практическое пособие. Караганда, 2005. –105 с;
4. Бургонова Г.Н., Каморджанова Н.А. Бухгалтерский учет и отчетность в туризме. Учебное пособие - М.: НОЛИДЖ, 1998. - 272 с;

5. Герасимова А., Скапенкер М. Туристический бизнес: особенности бухучета и налогообложения. // Ж. Экономика и жизнь, № 14, 1996.
6. Абдуллаев О. Исмоилов Р. Кичик ва ўрта бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Наманган. 2001. – 13-14-б.
7. Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: “Молия”. 2003. – 9-б.
8. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. – Т.: «Fan va texnologiya», 2008. – 16-б.

